

## ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ МЕРОС ИЖТИМОЙИ-ФАЛСАФИЙ МУАММО СИФАТИДА

**Норқулов Дусмурат Ташпулатович**

Фалсафа фанлари доктори, Тошкент тиббиёт академияси

Ижтимоий фанлар кафедраси профессори

### АННОТАЦИЯ

*Мақолада тарихий-маданий бойликни ўрганиш, тадқиқ этишининг айрим гносеологик жиҳатлари, инсон ва жамият ҳаёти билан боғлиқ ижтимоий-фалсафий масалалари муҳокама қилинади.*

**Калит сўзлар:** тарих, тарихий-маданий мерос, маданият, маънавият, жамият, гносеология, артефактлар, бойликлар, ворисийлик, анъана, эномаданият.

### ABSTRACT

*The article discusses some epistemological aspects of the study of historical and cultural heritage, as well as socio-philosophical issues of the relationship of historical and cultural heritage with the life of man and society.*

**Key words:** history, historical and cultural heritage, culture, spirituality, society, epistemology, artifacts, wealth, succession, traditions, ethnic culture.

### КИРИШ

Тарихий-маданий меросга бўлган қизиқиш инсон гносеологик изланишларининг марказида туради. Инсоннинг оламга, ён-атроф ва жамиятга муносабатлари унинг ўтмишга, кекса авлод қолдирган меросга муносабатларининг инъикоси сифатида келади. Масалан, Сукрот ва Платоннинг софистлар ва илк файласуфларга муносабати аввало гносеологик хусусиятга эга. Сукрот “мен билмаслигимни билдим” деганида такаббур софистларга жавоб беради, уларнинг манманлигига муносабат билдиради. “Ота-онангга бетакаллуфингни кўриб кишилар биргаликда сендан нафратланмасин, дўстсиз қолишни истамасанг, кишилар сени ота-онангга бетакаллуфлигингни кўрмасин, агар сен ота-онангни ҳурмат қилмасанг кишилар сенга эзгулик кўрсатмай қўйишлари мумкин” [1; 90 б.]. Бу ўринда Сукрот ота-она деганда кекса авлодни, у яратган ахлоқий меъёрлар ва қадриятларни назарда тутди. Ота-она, унинг назарида, тарихий-маданий мерос субъектлари, уларга муносабат ушбу меросга муносабатдир.

Тарихий меросни эъзозлаш ва уни асраш Шарқ фалсафасида, тафаккури ҳамда турмуш тарзида анъанага, парадигма даражасига кўтарилган. Бу ўринда Конфуций (эр.авв. 551-479 йиллар) қарашлари эътиборлидир.

Конфуций давлат ва жамиятни бошқаришда ўтган авлодлар қолдирган усулларга, ахлоқий нормаларга, шаклланган тарихий анъаналарга таянишни шарт қилиб кўяди. Унинг фикрича урф-одатларга таяниш “олийжаноб эр”даги асосий фазилат. “Урф-адатлардан фойдаланиш кишиларни муросага келтиради. Қадимдаги хукмдорлар усуллари гўзал эди. Улар ўзининг катта ва кичик ишларини урф-одатларга мувофиқ амалга оширганлар” [2; с. 56]. Мутафаккир, урф-одатлар, ота-она, улар мероси инсонсеварликка ўргатади, инсонсевар бўлмай бошқарув билан шуғулланиб бўлмайди, деган фикрни илгари суради. У ижтимоий-ахлоқий идеал сифатида қарайдиган “олийжаноб эр” инсонсевар шахсдир. Конфуцийнинг сиёсий-фалсафий ва ахлоқий қарашлари ушбу “олийжаноб эр”нинг функционал хусусиятларини, бошқалар хулқ-атворида таъсирини очиб беришдек гносеологик мақсадга қаратилган. У давлат ва жамият ишларини бошқарувчи “олийжаноб эр” аввало анъаналарни севиши ва яхши билиши, уларни халққа сингдириши лозим. “Айниқса мутафаккирларнинг “идеал бошқариш” – “жамиятда бошқарув, урф-одатлар ва нарсалар тартиби” (“Ли”) концепцияси жамиятни муҳим, барқарор ривожлантиришга хизмат қилган. Унда бошқаришда, ижтимоий ва шахсий ҳаётда тарихий-маданий анъаналарга, аждодлар тажрибаларига таяниш, жамиятдаги субординация принципларини, стратификация тартибларини сақлаш ғоялари – хизмат, ота ота бўлсин, ўғил-ўғил концепциясининг моҳиятини ташкил этади” [3; 20-21 б.]. Фалсафа фанлари доктори, профессор Ф.Мусаевнинг қайд этишича, Конфуцийнинг сиёсий-фалсафий концепцияси “янги, адолатли жамият қуришга эмас, балки ўтмишни қайта тиклашга, тарихий-маданий тажрибани қайтадан қарор топтиришга қаратилгандир. Бу Конфуцийдаги “историцизм” дир” [4; 18 б.].

## **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Тарихий-маданий меросга оид илк илмий асарлардан бири Абу Райхон Беруний (973-1048) нинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асаридир. Унда мутафаккир ўтмишга, тарихий-маданий анъаналарга яхлит воқелик сифатида ёндашади, уларни англашнинг, билишнинг ўзига хос гносеологик методларни яратади. Унинг ўзи ёзади: “Мендан сўралган саволларга олиб келадиган сабабларнинг яқинроғи ўтмиш миллатларнинг ва илгариги даврларнинг воқеаларини билмоқдир. Чунки хабарларнинг аксари ўтмиш миллатларнинг ахволлари, расм ва шариатларининг баёнидан иборат бўлиб, уни билмак ақлий нарсаларга суяниш, сезиладиган нарсаларга солиштириш билангина бўлмай, балки китоб аҳллари ва турли раъй эгаларига

асосланишни талаб қилади. Тарих исботида уларнинг сўз ва раъйларини бир-бирларига солиштириш керак бўлади” [5; 77 б].

Бу ўринда Беруний гносеологик аҳамиятга эга илмий билиш методларини кўрсатиб ўтади. Уларга тарихий воқеалар (фактлар), расм-русумлар, шариат тажрибаларини билиш, рационалга таяниш, ходисаларни, артефактларни бир-бирларига солиштириш, китобларни ўқиш, ўрганиш, халқлар тафаккурига асосланиш кабилар киради. Мазкур методлар гносеологияда ҳануз устувордир. Айниқса тарихий-маданий меросни тадқиқ этганда тажрибалар ва рационалга таяниш уйғун келиши зарур, ҳар қандай ўтмишга оид тажриба, артефакт ва қараш рационаллик талабларига мувофиқ келаганида илмий фалсафани бойитади, унга янгилик қўшади.

Тарихий-маданий мерос бизнинг ўтмишга боғлиқлигимизни, янги авлод мудом олдинги авлодлар қолдирган бойликларга, анъналарга ва ҳаёт тарзига асосланишини ифодалайди. Фридрих Ницше (1844-1900) “биз ўтмишга занжирбандмиз, биз қаерга чопсак, тарих занжири биз билан бирга чопади” [6; С.161], деганида инсон яратган маънавий бойликлар ўтмиш руҳидан униб чиқишини назарда тутди. Инсон тарихга “занжирбанд” бўлиб янги нарса яратади. И.Ньютондан, сиз бутун олам тортишиш қонунига қандай етгансиз, деб сўрашганида, чунки мен буюклар елкасида ўтирдандим, деб жавоб берган экан.

Тарихий-маданий меросни билиш гносеологик тажриба поғонасида қолиши мумкин эмас, у ижтимоий ҳаётнинг туб қонунларини, ривожланиш талабларини англаш орқали шахсда маълум бир фаолликни шакллантириши, уни фаол субъектга айлантириши лозим. Билиш “ўзи ўзи учун” поғонасида қололмайди, ижтимоий борлиқни такомиллаштириш ҳар қандай билиш жараёнининг пировард натижасидир. “Инсоннинг оламини, ижтимоий борлиқни билишга бўлган қизиқишини фақат субъектив воқелик, зарурат деб ҳисобламаслик зарур. Тўғри, билиш мудом субъектив хусусиятга эга сенситив, аффектив жараёндир: инсон ҳис-туйғулари орқалигина билишга эришади ... Шунинг учун ўтмиш ҳақида билимлар бир томондан, тарихнинг ижтимоий воқелик сифатида авлодлар онгида, ҳаёт тарзида, келажагини яратишда муҳим роль ўйнайдиган омил, бундай, хатто субъектив характерга эга бўлса-да, омил эволюцион тараққиётни таъминлаш учун зарур. Иккинчи томондан, тарих “ўзи ўзи учун” мавжуд эмас. Тарихий ҳақиқатни билишда шахс маълум бир абстракцияларга берилади, ҳаёлий моделлар ва гипотезалар яратади. Лекин улар абстракция тарзида қолиб кетмайди, шахснинг нафақат тарихга, ўтмишдаги воқеа ва ходисаларга муносабатини, шу билан бирга мавжуд

тарихий-маданий тажрибаларни ўзлаштиришга, улардан фойдаланишга, шу асосда ўзи янги тарихий макон ва ижтимоий муҳит яратиш, жамият тараққиётига хизмат қилишига қанчалик тайёр эканлигини ҳам билдиради” [7; 11-12 б.]. Мазкур фикрлардан аён бўладики, тарихий-маданий меросни билиш, ўрганиш, Фридрих Ницше айтганидек, “бизга ҳаёт ва фаолият” учун зарур. “Биз тарихга қандай хизмат қилсак, у ҳам бизга шундай хизмат қилади” [6; С.159]. Янги ижтимоий макон, инсон ва жамиятнинг туб мақсадларига мос келадиган жамият, тузум барпо этиш ана шу ўрганиш пировард натижаси, мезони ҳисобланади.

Ўзбекистонда тарихий-маданий меросни ўрганиш, асраш ва уни жамият тараққиёти манфаатларига хизмат қилдириш давлат сиёсати даражасидаги вазифадир. Мутақилликнинг илк кунларидаёқ Ўзбекистон ўз тараққиётини тарихий-маданий меросни қайта тиклаш, миллий давлатчилик анъаналарига таяниш, умуминсоний қадриятлар устуворлигини эътироф этган ҳолда маънавий-ахлоқий янгиланиш билан боғлади. Тарихийлик ва ворисийлик анъаналари негизида янги, мустақил, демократик, ҳуқуқий давлат қуриш стратегик мақсадга айланди.

Тарихий-маданий мерос кенг қамровли, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига тааллуқли ҳодисадир. Халқ, миллат маънавиятига, ўтмишига, маданий артефактларига оид барча нарсалар, предмет ва қарашлар ретроспектив ёндашиш объекти сифатида қаралиши мумкин. Шундай экан, тарихий-маданий меросда биздан илгари яшаган авлодларнинг ижодий, ахлоқий, маданий бойликлари мужассамдир. Ижтимоий-фалсафий ёндашув нуқтаи назардан улар:

- ижтимоий-амалий тажрибалар;
- шаклланган қадриятлар;
- авлодлараро муносабатларда асраб, бир бирига ўтиб келаётган дунёқарашлар, тасаввурлар;
- тармуш тарзидан жой олган этноанъаналар кибилар сифатида ўрганилиши мумкин.

Маълумки, тарихий-маданий меросга халқ, миллат ҳаётидан жой олган ижтимоий-амалий тажрибалар муҳим ўрин эгаллайди. Бундай тажрибалар боис авлодлар ўртасида алоқалар сақланади ва мустаҳкамланади. Масалан, ўзбек халқи бошқа халқлар ва ўлкалар билан савдо-сотик, иқтисодий алоқаларга киришиб яшашнинг ўзига хос ижтимоий-амалий тажрибаларига эга. Бу тажрибалар натижасида иқтисодий тафаккурнинг ўзига хос тарихи, йўналишлари, ҳатто ҳозирги бозор иқтисодиётининг шаклланишига хизмат

қилган усуллари, концепциялари вужудга келди. Профессор А.Раззоқовнинг ёзишича, ўлкамизда “нодир иқтисодий ғоялар ва фикрлар шаклланган, донишмандлар ва давлат арбоблари бозор иқтисодиётининг муҳим қонун-қоидалари тўғрисида яхши тасаввурга эга бўлганлар, шу асосда иқтисодий сиёсат юргизганлар. Меҳнатнинг бойлик асоси эканлиги, эҳтиёж туфайли фаолият юритиш, меҳнат тақсимооти ва унинг аҳамияти, баҳо ва унинг бозор билан чамбарчас боғлиқлиги, пулнинг вазифалари ва иқтисодиётдаги ўрни, эркин иқтисодий фаолият, солиқлар тизими, судхўрлик, ижара тизими, ер-сув муносабатлари, савдо-сотикнинг аҳамияти, айниқса, хусусий мулкнинг муқаддаслиги, давлатнинг иқтисодиётдаги ўрни, бошқариш тизими яхши тушунилган ва кучли давлат бўлиши кераклиги тарғиб этилган” [8; 240 б.]. Бундай ижтимоий-амалий тажриба тарихий-маданий меросга кенг, ижтимоий-фалсафий ёндашиш имконини беради.

Шаклланган кадриятлар деганда инсон ва жамият ҳаётида эъзозланадиган, кишилар сўзсиз қабул қиладиган, ижтимоий аҳамиятга эга нормалар, идеаллар, қарашлар, урф-одатлар назарда тутилади. Бундай кадриятлар халқ, миллат ҳаётининг, турмушининг ядросини ташкил этади ва этномаданий бойлик сифатида қаралади. Фалсафа фанлари доктори О.Нишонваннинг ёзишича “этномаданият халқ, миллат яратган моддий ва маънавий бойликларнинг, кадриятлар, артефактлар ва оламни бадиий-эстетик идрок этишга қаратилган гносеологик изланишлар ҳамда тажрибаларнинг ўзак қисми, ядросидир. Миллий маданият, мерос мудом ушбу ўзакка, ядрога қурилган, улар орқали миллий хусусият, шакл ва мазмун касб этган” [9; 3 б.]. Демак, тарихий-маданий мерос тизимида халқ, миллат томонидан эъзозланадиган, шакллантирилган кадриятлар марказий ўрин эгаллайди, бу борадаги ҳар қандай тақдимот уларнинг ўрнини, аҳамиятини очиб бериши зарур.

Тарихий-маданий мерос мавҳум нарса эмас, у мудом аниқ халқ, миллат анъаналарини назарда тутди. Этноанъаналари йўқ халқ, миллат учрамайди, бироқ гап уларни асрашда, маънавий-маданий тараққиётга йўналтиришдадир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг ташаббуси ва сайъ-ҳаракатлари туфайли этноанъаналаримиздан унумли фойдаланиш ва уларни жаҳонга ёйиш мақсадида кўп ишлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалини ўтказишга тайёргарлик кўриш чора-тадбирлари тўғрисида (2019 йил 26 февраль), “II Халқаро мақом санъати анжуманини ўтказишга тайёргарлик кўриш чора-тадбирлари тўғрисида” (2019 йил 26 февраль), “Халқаро хунармандчилик фестивалини ўтказиб боришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”

(2019 йил 3 октябрь), “Ўзбекистон Республикасида заргарлик тармоғини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” (2019 йил 18 май), “Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида” (2018 йил 1 ноябрь) каби Фармон ва Қарорларида тарихий-маданий меросга мутлоқ янгича ёндашиш кўзга ташланади. Уларда тарихий-маданий мерос “ноёб ва буюк санъат”, “тенгсиз маънавий бойлик” экани таъкидланади. “Мана шундай ноёб ва буюк санъат – дейди афсус билан Ш.М.Мирзиёев, - бугунги кунда шунчаки маданий ёдгорлик намунасига айланиб, кўп жойларда унутилиб кетаётгани, ҳимоя ва муҳофазага муҳтож бўлиб тургани – бу ҳам давримизнинг аччиқ ҳақиқатидир. Шу сабабли тенгсиз маънавий бойлигимиз бўлмиш мумтоз бахшичилик санъатини, халқ ижодининг нодир намуналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, уни келгуси авлодларга безавол ўтказиш жаҳондаги илғор фикрли олимлар ва санъаткорларнинг, шунингдек, давлат ва жамоат арбоблари, барча маданият аҳлининг бурчидир” [10].

Давлатимиз раҳбари бохшичилик санъатини халқаро миқёсда тарғиб этиш, асраш тарафдори. Фестивалда 80 та давлатдан 300 дан зиёд иштирокчи, ижодкор қатнашиш иштиёқини билдирган, 58 нафари ўз репертуари билан иштирок этган. Илмий-амалий конференцияда эса 18 та давлатдан 45 нафар хориж олимлари, мутахассислари қатнашган, маъруза ўқиган. Муҳими шундаки, мазкур Халқаро фестивал ЮНЕСКО томонидан қўллаб-қувватланган.

## **ХУЛОСА**

Хуллас, тарихий-маданий мерос фақат ворисийлик функциясини бажармайди, у халқаро маданий алоқаларни мустаҳкамлаш, халқ, миллат ҳақида объектив фикрларни шакллантириш, ёшларда ўтмишга, ота-бобларимиздан қолган бойликларга ҳурмат туйғусини уйғотиш, инсонда яратишга, ижод қилишга ва бадиий-эстетик изланишлари билан миллий маданиятни юксалтиришга муносиб ҳисса қўшиш истагини ҳам тарбиялайди. Тарихий-маданий меросдаги ижтимоий-фалсафий моҳият ҳам шундадир.

## **АДАБИЁТЛАР (REFERENCES)**

1. Энциклопедия афоризмов. Античность. Древняя Индия. Древний Китай. Библия. – Минск, Современ. литератор., 1999.
2. Мудрецы поднебесной. – Симферополь, Реноме, 1998.
3. Агзамходжаева С. Ижтимоий идеал ва маънавий ҳаёт. – Тошкент, Фалсафа ва ҳуқуқ, 2007.
4. Мусаев Ф. Демократик давлат куришнинг фалсафий-ҳуқуқий асослари. – Тошкент, O`zbekiston, 2007.

5. Ўзбекистонда прогрессив ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихига доир материаллар. – Тошкент, Фан, 1959.
6. Ницше Ф. Сочинения в двух томах. Т.1. – Москва, Мысль, 1990.
7. Алимасов В.А., Ходжаева Б.Х. Ижтимоий-маънавий тараққиётда тарихий шахсларнинг роли. – Тошкент, Fan va texnologiya, 2016.
8. Раззоқов А. Иқтисодий тафаккур сарчашмалари. – Тошкент, O`zbekiston, 2011.
9. Нишонова О. Ўзбек этномаданиятининг эстетик моҳияти. – Тошкент, Фан, 2013.
10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро бахшичилик санъати фестивали очилишига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи// Халқ сўзи, 2020 йил 7 апрель.